


# КУЛГИДАН КУЛГИ УНАР...

«Муштум» журнали 60 ёшга тўлди! Бу қутлуғ сана, айниқса, Шум бола учун қадрлидир. Атоқли шоиримиз, забардаст кулги дарғаси Ғафур Ғуломнинг энг севимли «фарзандлари»дан бўлмиш Шум бола дунёга келганда уни «Муштум» журнали йўргаклаб олганди.

Муштумхонлар Шум боланинг ғаройиб саргузаштлари нима билан тугаркин, дея журналнинг ҳар бир сонини зориқиб кутишарди.

Севимли журналимизнинг хайрли ишларини санаб адо этиш қийин. Социалистик жамиятимизга ёт бўлган жамики иллатларни «Муштум» панжасасига илиб, аёвсиз савалаб келмоқда. Ҳамза, А. Қодирий, С. Айний, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Ғ. Юнус, С. Абдулла, К. Алиев каби ҳажвиёт соҳиблари «Муштум»нинг бешигини тебратдилар.

«Муштум»ни ҳақли равишда ҳажвиётимиз штаби, деймиз. Ҳажвчи ёзувчилар ёки ижоди ҳазил-мутойибага мойил қаламкашлар фаолияти «Муштум» билан чамбарчас боғлиқдир. Севимли ёзувчимиз, «Асартарошлик» дўконининг бош устаси Саид Аҳмадуллонинг журнал билан узоқ йиллик ижодий мулоқоти бир мактабдир. Неъмат Аминов, Худойберди Тўхтабоев, Саъдулла Сиёев, Анвар Муқимов, Абдуғани Абдувалиев, Анвар Обиджон, Тўлан Қўзибоев каби чойхонамизнинг доимий мижоз-муаллифлари ҳам «Муштум» саховатидан баҳрамандирлар. «Муштум» карикатурачи рассомларнинг камол топишида ҳам катта роль ўйнамоқда.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак урар ёки кулгидан кулги унар деган гап бор. Истардикки, «Муштум»да янграган қаҳқаҳа Шум бола чойхонасига ҳам эшитилиб турса, ҳар икки кулги даргоҳи ўртасида яхши маънодаги «бор товоғим, кел товоғим» алоқаси мустаҳкамланса...




Арзимни айтай боди сабоға,
Етсин саломим Муштум тоғога.
Олтмишда ёши, оқармиш боши
Аммо йигитдек қирчилламоға.

Жангу жадалда топмиш таваллуд,
Ўт очди жами иллат—балоға.
Кетдилар бою, муштумзўр, эшон
Муштин зарбидин дорилфаноға.

Ким бўлса эгри — додини бердинг,
Кўзини очдинг кетса хатоға.
Беаёв урдинг ҳажвинг тиғини
Безори, юлғич, шум рўдапоға.

Ҳар ерда ҳозир-нозир эрурсан,
Хоҳи заводу, хоҳи далоға.
Кўрсанг ишёқмас илдинг баралла
Оч биқинидан сен панжахоға.

Куйдирар қаҳринг ким бўлса душман,
Кулкинг шифодир ёр-ошноға.
Қўйма, ур доим, тушир кетма-кет
Иллату нуқсон тушса ороға!

Кенгроқ ўрин бер саҳфангда доим
Ичак узилди — шўх хо-хо-хоға.
Мен ҳам қаторда камарбастамен,
Бўл гоҳи меҳмон—бу чойхоноға.

Тўйингда қувнаб чойлар таший мен
Гоҳ-гоҳ назар сол—мен Шум болоға.

Мактубни оққа кўчирувчи

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

# ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

— Тамакининг илдизини қайнатиб беринг, ўғлингиз ё тузалади, ё дунёдан кўз юмади, — дебди Афандига бир қалбаки табиб.

— Мен излаган табиб экансиз, ҳозир қачон ўлишимни айтиб берасиз, бўлмаса уйдан чиқармайман!— дебди Афанди пичоғини қинидан чиқариб.

—Ўлмайсиз, ўғлингиз ҳам ўлмайди, ўзим ўламан! — дебди қўрқиб кетган табиб.

—Хумпар, энди ростига кўчдинг-а, —дебди Афанди.

* * *

Боғда дам олиб юришганда дўстлари Афандини «Олма пиш, олдимга туш» ўйинига таклиф қилишди. Ўйин бошланди. Лекин Афанди дарахтдан тушишда улардан орқада қолди ва айрига ўтириб олди. Ҳайрон бўлган дўстлари сўрашди:

—Э, тушмайсизми, тезроқ?

—Мен ҳали пишганим йўқ, —дея жавоб берди Афанди пинагини бузмай.

# ХАНДАЛАР

—Институтларда кириш имтиҳонлари нима учун ёзда бошланади? — деб сўради бир абитуриент ўртоғидан.

—Э, шпаргалкани беркитиш қийин бўлсин деб ёзга қўйишганда, — жавоб берди ўртоғи.

* * *

—Қиз боланинг жони қирқта бўлади.

—Кўйлаги ҳам!

* * *

—Тишингизни суғураётганимда бақирмайсизми?

—Йўқ, тишимни тишимга қўйиб чидайман.

* * *

—Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор, нима?

—Сомса!




—Нима ҳақда ёзмоқчи эдим...

Рассом А. ХОЛИҚОВ

# МАҲМУД РАҲМОН БИР КУНИ...

**«Муштум»нинг олтмиш йиллигида журналга узоқ йил меҳнати синган муштумчиларни беихтиёр эслаймиз. Шундай кишилардан бири Маҳмуд Раҳмон эди. Бу содда, самимий, серзавқ киши ҳақидаги латифанамо гаплар ҳамон оғиздан оғизга кўчиб юради. Шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

## ГОНОРАР БЕРИЛМАЙДИ

«Муштум» редакцияси 1-Май кўчасидаги Ўзбекистон Ёзувчилар союзи биносига жойлашган эди. Бош муҳаррир билан хатлар бўлимининг мудири Маҳмуд Раҳмон қарама-қарши хонада ўтиришар, ўртадаги эшик ҳамиша очиқ турар, қайси бирлари акса урса, бемалол «саломат бўлинг» деб ўтиришар эди.

Бош муҳаррир Акмал Пўлат отпускага кетгач, унинг ўрнида «Муштум»да «туғилиб йўргакланган» бош муҳаррир ўринбосари Тўлқин Алимов ўтирар эди. Шу пайт Маҳмуд Раҳмон хаёлига бир фикр келди шекилли, телефон трубкасини қўлига олди. Телефон параллел бўлгани сабабли рўпарада ўтирган Тўлқин Алимов ҳам трубкани қулоғига тутди.

—Алло! Бухгалтерия? Яхшимисиз? Қачон гонорар бўлади?

—Сизга гонорар бўлмайди!— жавоб қилди «бухгалтер» Тўлқин Алимов.

—Нега?

—8-Мартда гонорар фақат хотин-қизларга берилади.

Бу жавобдан Маҳмуд Раҳмоннинг кўзлари пирпираб кетди. Жаҳли чиқиб, қўлидаги телефон трубкасига ўшқирди.

—Қани айтингчи менга, бу бемаъниликни ким ўйлаб топди?

—Билмадим, билмадим. Фамилиянгизга қизил қалам урилган, тамом-вассалом...

«Бухгалтер» Тўлқин Алимов ундан илгарироқ трубкани жойига қўйиб, ҳеч нарсадан бехабардек Маҳмуд Раҳмонга қараб ўтираверди. Маҳмуд Раҳмон эса трубкани шарақ этиб жойига қўйди-да, нолий кетди:

—Эшитдингизми, Тўлқинжон! Фамилиямга қизил қалам уришибди. Қаранг-а?.. Кўраман, ҳали ким-кимга қизил қалам ураркин!

Маҳмуд Раҳмон кийиндида, фиғони фалакка чиқиб, нашриёт бухгалтериясига қараб йўл олди...

## ЯНГИ ФИКР

—Шу шеърни кўринг-чи, журналда чоп этса бўлармикин? — деди Тўлқин Алимов Маҳмуд аканинг илгари журналда босилган бир шеърини ўзига кўрсатиб.

Маҳмуд Раҳмон кўзига кўзойнак тутиб, қўлёзмани икки-уч бор ўқиди. Сўнг пастга, энгашиб, кўзойнак устидан Тўлқин Алимовга тикилди:

—Шеър бадиий жиҳатдан са-а-а-л бўшроқми, а?

Тўлқин Алимовнинг кулгиси қистаб турган бўлса ҳам кулмади. Гўё бу мужмал жавобдан энсаси қотгандай бўлиб, бир уҳ тортди.

—Маҳмуд ака! Узил-кесил фикр айтинг. Ё бўлади денг, ё йўқ.

—Йўқ, бўлмайди! Қолдиринг...

Воқеанинг боришини зимдан кузатиб турган Саид Аҳмад, Олим Қўчқорбеков, Аббос Муҳиддин ва бошқалар кула-кула унга шеър ўзиники эканлигини айтишди.

—Ўйловдим-а, — деди Маҳмуд Раҳмон папиросини тутатиб, —шеър қандайдир танишга ўхшаяпти деб. Ҳа, айтмоқчи, бу шеърни журналда боссаларинг ёмон бўлмайди.

## БОШҚАЛАРНИ ТАНИМАЙМАН

Маҳмуд Раҳмон гавжум бекатларнинг бирида жамоат тартибини сақловчи бўлиб хизмат қилар эди. Бир куни у бекатда артист танишини кўриб қолди. Азбаройи зерикканидан артистни тўхтатди:

—Ҳай-ҳай-ҳай, биродари азиз, сиз шошмай туринг, одамлар чиқиб олишсин. Сўнг хотиржам кетасиз...

Ўша куни икки таниш мириқиб гурунглашишди. Аммо артист репетицияга кеч қолган эди. Эртасига ҳам артист шу бекатдаги автобусга чиқаётган эди, Маҳмуд Раҳмон яна уни тартибга чақирган бўлди:

—Қаёққа бормоқчисиз шу аҳволда? Одамларнинг автобусга чиқишига халақит беряпсиз-ку!

Индинига бекатда артист билан Маҳмуд Раҳмон ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтди:

—Кечирасиз. Маҳмуд ака! Бунақа тартиб ўрнатишни қаердан ўрганиб келгансиз?

—Москвадан, дўстим, Москвадан...

— «Тартибни бузманг», «Четга чиқинг», «Одамларнинг автобусга чиқишига халақит берманг» деган гапларни бир кишига айтишни ҳам ўша ёқдан ўрганиб келганмисиз?

—Ундай деманг, дўстим, ундай деманг!

—Унда нега фақат менга айтасизу, бошқаларга айтмайсиз?

Маҳмуд Раҳмон артист дўстининг елкасига қўлини ташлади-да, папиросини ичига чуқур тортиб, «уф» деди, сўнг хотиржам жавоб берди:

—Э, дўстим, дўстим! Бу ерда сиздан бошқа ҳеч кимни танимайман-да...

Мажиддин САТТОРОВ

Мурод ТИЛЛАЕВ

# БИЗДАН БУГИНА...

ҲАЖВИЯ

ЙИҒИЛГАНЛАР бошлиқнинг фармойишини кутиб ўтиришарди. Сукунатни тўрда савлат тўкиб ўтирган Шермат Шокирович бузди:

— Ҳамма айтилган ўртоқлар келишдими? — У узун, кўримсиз бурнини силаб қўйди-да, столга кафтини тираб, ўрнидан турди. — Ғаниев, Сўпиев, Қоқиев кўринмайдими? — бошлиқ ўнг ёнида букилиб ўтирган маҳаллий комитет раиси Облоқул Суннатовга лаб-даҳанини осилтириб, қараб олди.

— Ғаниевми? Узр, хўжайин, кеча ўзингиз аллақаёққа жўнатдим, дегандай бўлувдингиз, шекилли...

— Э, ҳа-я! — чайналди бошлиқ. Ғаниев қўли гул монтёр. Тунов куни Шермат Шокировичга укаси қўнғироқ қилиб, дала ҳовлисига электр ўтказиш учун монтёр йигитини бир кунга сўровди. Саҳийлиги тутиб кетиб, Ғаниевга ўйнаб келасиз, дея уч кунга жавоб берганди. Шуни эслади-да, дарров гапни бурди. — Ғаниев деворибман, Боқиев қани?

—Боя келинойим қўнғироқ қилиб, ГУМга ажойиб кўйлак келибди, тунов кунги танишингиздан бир кийимлик топтириб беринг, дейишганди. Шунга... кетди...

— Тушунарли, — деди бошлиқ қовоғини очмай, — Қоқиев-чи, у қаерда?

— У тунда навбатчилик қилганди...

— Навбатчи бўлдим деб энди мажлисларга қатнашмаслик керакми? Чақиртирилсин!

— Хўп бўлади, бир оғиз сўзингиз, — эшик ёнида ўтирган Соқиев қора терга ботган Қоқиевни бошлаб киради.

Бошлиқ Қоқиевга жиддий нигоҳ ташлаб, гапида давом этди:

— Ўртоқлар! Шундай қилиб, биз бугун сизлар билан озодалик, унинг иш унумига таъсири хусусида суҳбатлашиб олдик. Бундан буён ўтирган ўрнимизни, юрган йўлимизни тоза тутмоғимиз лозим. Қовун пўчоғи ерга тушди. Ҳадемай куз келади. Хўш, биз кузга қандай тайёргарлик кўрдик? Тайёргарлик йўқ, ўртоқлар! Эртага ер билан битта бўлиб, оёққа илашиб, хонама-хона кўчиб юрадиган дарахт япроқларини қоқиб, ўт-майсаларни таг-туги билан юлиб ташлаганимизча йўқ ҳали! Бу бизнинг олдимизда турган муҳим ва зарур масаладир. Ҳа, ўртоқлар! Бугунги вазифамиз ана шундан иборат! Ҳамма ёппасига ҳашарга!

Хонадан ҳамма чиқиб кетиши билан Шермат Шокирович креслога ярим ёнбошраб, яйраб керишди. Секретари олиб кирган иссиқ чойдан пиёлага қуйиб, ҳузур қилиб ҳўплади.

Кечга яқин эшик очилиб, Облоқул Суннатовнинг кичик боши кўринди.

— Мумкинми, хўжайин?

— Келинг — деди бошлиқ овозини ҳам, кўринишини ҳам ўзгартирмай. — Хизмат?

— Хўжайин, айтганингиздек ҳамма ўт-майсаларни қиртишлаб, юлиб, бир ерга тўплаб қўйдик. Ёндириб юбораверайликми?

Бошлиқ бир нарса чақиб олгандай сапчиб ўрнидан турди.

— Эсингиз жойидами? Тутуни деворни қорайтиради-ку!

— Узр, хўжайин, узр, — Облоқул Суннатов гуноҳкорона бош эгиб, қўлини кўксига қўйди.

— Ҳаммасини дарвоза ёнига тўпланглар. Мен ҳозир прицепли трактор чақиртираман. Ўшанга юклаб берасизлар.

— Бажонидил, хўжайин!

Маҳаллий комитет раиси чиқиб кетиши билан бошлиқ телефон номерини теради.

— Алло! Хотинжон! Ҳа, бу мен. Топшириғингизми? Бажарилди! Укангизга қўнғироқ қилиб айтинг, трактор юборсин, юклатиб бераман. Да-да-да! Қанча дейсизми? Иккитами-учтами... Оз? Нега оз бўлсин, ахир идорамизнинг олдида ўзи булбулнинг кўзидек майдон бўлса, ундан қанча ўт чиқарди? Ҳозирча эплаб турсин, қишловига бошқа ёқдан топтириб бераман. Нима, битта говмиш сигирни икки оила боқолмаймизми? Да, укангиз сигир сотиб олиб жуда зўр иш қилди-да. Унга айтиб қўйинг, энди ҳар куни бўлмаса ҳам, онда-сонда сут-қаймоқдан жўнатиб турсин. Биздан бугина, ундан угинада!..




# ЯРМИ МАҚОЛ, ЯРМИ МАТАЛ...

**Сув келтирган эмас, ароқ келтирган азиз.**

* * *

**Арқоғини кўриб бўзини ол,**
**Машинасини кўриб қизини ол.**

* * *

**Совчиликка борганнинг эллик оғиз мақтови бор.**

* * *

**Бузоқнинг югургани сомонхонагача, отарчиники тўйхонагача.**

* * *

**Катта тўй қилганнинг олдин доңғи, кейин чанги чиқади.**




Рассом Д. СИНИЦКИИ



— Яшасин! Шаҳардан ҳашарчилар келишди.

Рассом М. МАРФИН



Амалдор бўлганда Амалдан тушганда.

Рассом М. ВОРОБЕИЧИКОВ

# НОРДОН ЛУҚМАЛАР

Бир лаганбардор кимса хўжайини билан овга чиқибди. Йўл-йўлакай у хўжайиннинг мерганлигини мақтаб, атрофида гирди капалак бўлаверибди. Шу пайт рўпарадан бир тулки чиқиб қолибди. Хўжайин отган экан, тулки парво қилмай қочиб кетаверибди. Лаганбардор ҳайратдан ёқа ушлабди:

—Тавба, ўлган тулкининг чопиб кетишини энди кўришим.

* * *

Бекатдаги ўн чоғли одамнинг назари икки кишига қаратилган эди. Улардан бири бир гапириб ўн кулар, оғзи гапдан бўшамасди. Чеҳраси синиқ, қовоқлари салқи ҳамроҳи эса тишининг оқини кўрсатмасди. Шу маҳал кўчани бошига кўтариб «Тез ёрдам» машинаси ўтиб кетди. Тунд киши сўз қотди:

— Яна бир киши омонатини топширадиганга ўхшайди.

Шу заҳоти бекатдагиларнинг чеҳраларига ташвиш соя солди. Бир гапириб, ўн кулаётган киши унинг гапини бўлди:

—Балки, янги меҳмон дунёга келишга ошиқаётгандир.

Одамлар мамнун жилмайиб қўйишди.

М. ПАРПИХЎЖАЕВ

# СИНОВ

Анатолий РАС

Кунлардан бир кун уйга одатдагидан барвақтроқ қайтдим. Ўзимча иш қочиб кетмас дедим-да, душда чўмилиб олдим, овқатландим. Лекин негадир кўнглим ғаш эди. Синаш учун ишхонага бир қўнғироқ қилиб кўрайчи, тинчликмикин?

Телефон номерини тердим.

—Эшитаман,—деди Корягин нариги томондан.

—Салом, менга Иван Петрович керак эди, — дедим йўғон товуш билан.

—Афсуски, у киши ҳозиргина бир минутга ташқарига чиқиб кетганди. Бирор соатлардан кейин қўнғироқ қилолмайсизми?

—Иван Петрович бир соатдан кейин бўладиларми?

—Ажаб эмас...

Яхши, бир соатдан кейин қўнғироқ қиларман, деб ўйладим. Бироздан кейин яна қўнғироқ қилдим. Овозимни худди аёл кишиникига ўхшатиб гапирдим.

—Алло, Иван Петровични чақириб қўёлмайсизми? Менга жуда керак эдилар!

—Иван Петровични раҳбарлар шошилинч чақириб қолишди.

—Қачон бўшайдилар?

—Айтиш қийин, раҳбарларга бир нарса деб бўлмайди-ку!

—Раҳмат. Кечирасиз, кейинроқ яна қўнғироқ қилсам бўладими?

—Бемалол. Хоҳлаган вақтингизда қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Хоҳлаган вақтингизда эмиш! Бу қандай ўзбошимчалик! Энди иш тугаш олдидан қўнғироқ қилиб кўраман. Учинчи марта овозимни ўзгартириб, хириллаб гапирдим:

—Иван Петрович керак эди!

—Ким сўраяпти?

—Бунинг аҳамияти йўқ. Мен иш юзасидан қўнғироқ қиляпман. Жуда зарур иш, зудлик билан ҳал қилиш лозим.

—Бахтга қарши, Иван Петрович бугун бўлмайдилар.

—Нега энди бўлмас экан? Ахир, иш куни ҳали тугагани йўқ-ку!

—Гапингиз тўғри, лекин Иван Петрович зарурат туфайли жавоб олиб кетдилар. «ЖЭК»дан қўнғироқ қилишди. Юқоридаги қўшнилари уйига сув тошириб юборибди. Ҳамма мебель, телефон, телевизор, ҳатто шиппаккача сув остида қолибди.

—Ҳа, яхши бўлмабди, тушунаман...

—Иложи бўлса, эртага қўнғироқ қилинг...

Телефон трубкасини қўйдиму енгил нафас олдим. Мана, синов ҳам ўтди. Баракалла, Иван Петрович, бирга ишлайдиган ўртоқларинг чакки эмас! Сен уйда ўтирибсан, улар эса кўкрагини қалқон қилиб, сени ҳимоя қилишяпти. Шундай бўлиши керак-да. Бугун улар мени, эртага мен уларни шундай ҳимоя қиламан.

С. СОДИҚ таржимаси


ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Орган союза писателей Узбекистана и Министерства культуры Узбекской ССР.

Бош редактор: Одил ЁҚУБОВ
Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Рамз БОБОЖОН, Собир БОБОЕВ, Барот БОЙҚОБИЛОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош редактор ўринбосари), Саъдулла КАРОМАТОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Назир САФАРОВ, Ўлмас УМАРБЕКОВ, Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Тўлепберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Лазиз ҚАЮМОВ, Малик ҚАЮМОВ, Сора ЭШОНТЎРАЕВА.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент—700029, Ленин кўчаси, 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: Бош редактор — 33-52-91, 32-57-42, қабулхона — 32-54-71; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь — 33-49-93, 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48; сатира ва юмор — 32-56-49; фотолаборатория — 32-58-95.

Р. 02022. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64593 Б. 3246. 11 12 13 14 15 16 17